201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2019-yil 23-fevral, shanba 16 (8983)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларини демократлаштиришга, инновацион технологияларни жорий этишга, инсон салоҳиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шундай бир шароитда муайян соҳадаги вазиятни сифат жиҳатидан ўзгартириш ҳамда илғор хорижий ва маҳаллий назарий-методологик воситалардан фойдаланиш асосида уни ривожлантириш вазифаларини давом эттириш хусусида социологик сўровлар ўтказишнинг сифат жиҳатидан янги ва замонавий тадқиқот амалиётини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Халқаро амалиёт ва мамлакатимиз тажрибаси социологик тадқиқотларни ижтимоий шериклик принциплари асосида ўтказиш жараёнида ноҳукумат ташкилотларнинг салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш ва шу мақсадларда давлат буюртмасини сифатли бажариш, аҳолини мазкур жараёнга фаолроқ жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жамоатчилик фикрининг тизимли мониторингини таъминлаш ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида унинг натижаларидан фойдаланиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида:

1. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази муассислари йиғилишининг уни **"Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази** (кейинги ўринларда "Ижтимоий фикр" маркази деб юритилади) этиб қайта номлаш таклифига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар **"Ижтимоий фикр" марказининг асосий вазифалари** ҳисобланади:

а) қуйидагиларда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида, давлат ва жамият қурилишида – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада кучайтиришга, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар;

суд-ҳуқуқ соҳасида – қонун устуворлигини таъминлашга ва инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган ислоҳотлар;

иқтисодиётда – унинг ракобатбардошлигини оширишга, тармоқларни модернизация қилиш, либераллаштириш ва диверсификация қилишга, давлатнинг иқтисодий жараёнларда иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни амалга ошириш сифатини аниқлаш ва ўрганишга, хусусий мулкчилик ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган ислоҳотлар;

ижтимоий соҳада – аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга, унинг бандлигини таъминлашга, реал даромадларини оширишга ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришга, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, маданият, санъат, спорт, илм-фан ва бошқа йўналишларнинг сифатини оширишга, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини ва арзон уй-жойлар қуриш дастурларини амалга ошириш чора-тадбирларини бажаришга йўналтирилган ислоҳотлар;

(Давоми 2-саҳифада)

Солиқ концепцияси ижроси ва томорқадан фойдаланиш танқидий таҳлил қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 февраль куни солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда навбатдаги муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. Шу мақсадда ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинган эди. Янги солиқ тизимини жорий қилиш бўйича республика штаби ҳамда ҳокимликлар ҳузурида ҳудудий штаблар тузилиб, жойларда тегишли ташкилий ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада қўшимча қиймат солиғини тўлашга ўтаётган корхоналар сони 5 баробар ошди.

Жорий йилнинг январь ойида бюджетга тушумлар бўйича прогноз барча ҳудудларда бажарилди. Январь ойида инфляция даражаси йиллик ҳисобда 13 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз кўрсаткичдан ошмади. Бу валюта бозорини либераллаштиришдан кейинги даврдаги йиллик инфляциянинг энг минимал кўрсаткичидир. Бу эса, амалга жорий этилган янги солиқ концепцияси иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан асосли эканини кўрсатади.

Йиғилишда солиқ идоралари айрим ходимларининг малакаси, касб масъулияти талаб даражасида эмаслиги, оқибатда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани қайд этилди.

Масалан, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларида умумбелгиланган солиқ тўлаш тизимига ўтган тадбиркорлик субъектларига маслаҳат бериш учун солиқ инспекторлари номигагина бириктирилган.

Йиғилишда янги солиқ тизимини жорий этишда сусткашликка йўл қўйган айрим вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига интизомий чоралар кўрилди.

Солиқ ва прокуратура идораси ходимлари қулоғига қуйиб олсин: бу йил янги солиқ тизимининг тартиб-қоидалари ва ҳисоб-китоблари тадбиркорлар онгида тўлиқ шаклланмагунча уларни жазолашга, жаримага тортишга умуман йўл қўйилмайди. Аксинча, улар тадбиркорларга маслаҳатчи ва кўмакчи бўлиб, солиқларни аниқ ҳисоблаш ва тўлашда тўғри йўл кўрсатиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Солиқ ходимлари малакасини ошириш, солиқ тўловчиларга ҳисоботларни шакллантириш ва ҳисоб-фактураларни тўлдириш тартибини ўргатиш масалалари муҳокама қилинди.

Айрим тадбиркорлар янги солиқ тизимини қўллаш бўйича етарли билимга эга эмаслиги туфайли товарларга асоссиз равишда қўшимча устамалар ҳисоблаш ҳоллари учрамоқда. Бу истеъмол бозорида нарх-навога ўз таъсирини ўтказмоқда.

Шу боис республика штабига ҳудудларга чиқиб, жойларда нарх-наво ошиши сабабларини доимий таҳлил қилиш, уларнинг асоссиз ўсишининг олдини олиш бўйича қўшимча таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Янги солиқ тизими бўйича юзага келаётган кўплаб саволларга жавоб топиш учун учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида махсус чиқишлар ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Видеоселектор йиғилишида солиқлар тўловини амалга оширишда ноқонуний ҳолатлар аниқ мисоллар асосида муҳокама қилинди. Йирик ишлаб чиқарувчилар, импортёрлар ва улгуржи савдо ташкилотлари томонидан сотилаётган товарлар ҳаракатини таҳлил қилиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш кўламини кенгайтириш, бунинг учун электрон ҳисоб-фактура тизимини тезроқ жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Солиқ идораларига жойлардаги боқиманда қарздорликни ундириш, бюджетга даромадларнинг ички захираларини излаш бўйича тавсиялар берилди. Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида йирик солиқ тўловчилар ва импортёрлар билан ишлайдиган ҳудудлараро инспекция фаолиятини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Қанчалик мураккаб бўлмасин, бошлаган ислоҳотларимизни охиригача етказишимиз зарур. Лекин тарғибот-тушунтириш ишларини баҳона қилиб, ўрганишларни текширувга айлантиришга мутлақо йўл қўйилмайди. Ҳалол тадбиркор доимо давлат ҳимоясида, менинг ҳимоямда, деди Президентимиз.

Йиғилишда яна бир муҳим масала – томорқадан самарали фойдаланиш ва баҳорги экин экиш ишлари ҳам муҳокама қилинди.

Халқимиз азалдан ризқ ундириш, боғ яратишнинг ҳадисини олган. Бугунги кунда кўпчилик ўз томорқасидан самарали фойдаланиб, бир йилда 3 мартагача ҳосил олмоқда. Лекин, баъзи жойларда томорқага экин экмаслик ва қаровсиз ташлаб қўйиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Юртимиз бўйича 328 мингта хонадондаги 20 минг гектар томорқадан самарали фойдаланилмаяпти.

Аслида томорқа ризқ-рўз, қўшимча даромад манбаи, бандликни, арзончиликни таъминлашнинг самарали йўлидир. Одамларнинг ўзида ҳам экин экиш, даромад олиш истаги бор. Лекин нима экишни, уруғ, кўчатни қаердан олишни билмайди. Келгусида "маҳсулотни сота оламанми", деган ҳадик ҳам йўқ эмас.

Шу боис бу йил март-апрель ойларида томорқага экин экиш ишлари янги тизимда, кенг жамоатчилик иштирокида ташкил қилинади. Халқ қабулхоналари раҳбарлари маҳалла раислари билан бирга уйма-уй юриб, аҳоли талаблари асосида уларга кўмак беради. Маҳаллий бюджетлар захира жамғармасидан 40-50 миллион сўмдан маблағ ажратилиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бозорбоп сабзавотлар уруғи, мевали дарахт ва ток кўчатлари етказиб берилади.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди салоҳиятли фермерлар ёрдамида аҳолининг фойдаланилмаётган томорқаларини экишга тайёрлаш ва бозорбоп экинлар экишни ташкил қилади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан томорқаси бор ишсиз фуқароларга иссиқхоналар ташкил этиш, уруғлик ва кўчат олиш учун энг кам иш ҳақининг 10 баробаригача миқдорида субсидия ажратади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, туман ва шаҳарларнинг 4 та сектор раҳбарлари ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, "бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида ҳар бир маҳаллани мева-сабзавот етиштириш, кичик иссиқхоналар ташкил қилиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, қўёнчилик, куркачилик каби йўналишларга ихтисослаштириш бўйича амалий чоралар кўради.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарларнинг ахбороти эшитилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш даврида чақирув ёшидаги фуқароларга қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

2019 йилдан бошлаб чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилади;

муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, жорий йил чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинади.

2. 2018 йилда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари 2019 йилнинг март-апрель ойларида резервга бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 22 февраль

Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро яна бир йирик тадбир – I халқаро "Зиёрат туризми" форумига мезбонлик қилди. Мазкур форумнинг тантанали очилиш маросимида дунёнинг 34 давлатидан 120 дан ортиқ вакиллар иштирок этди.

■ **Ҳамроз АЛИ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Форумни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, буюк сиймоларимиз меросини чуқур ўрганиш, жаҳон оммасига кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Форумнинг дастлабки куни Татаристон ҳукумати вакилларидан иборат меҳмонлар иштирокида кечган конференция татар халқининг буюк олими Шаҳобиддин Маржонийнинг юртимизда таҳсил олгани ва бутун дунё ислом оламида тутган ўрнига бағишланди.

– Биз бугун Бухорода ўтаётган фестиваль доирасида икки халқ ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида хайрли ишга қўл урдик. Ҳазрат Шаҳобиддин Маржоний айни шу заминда ўзининг бой дунёқарашини шакллантирган. Унинг мероси татар халқининг маънавий-маърифий ҳаётида ниҳоятда юксак аҳамиятга эга. Ўйлайманки, биз бошлаган иш Маржоний тарбия топган юртга татаристонлик зиёратчилар қизиқишининг ортишига хизмат қилади, – дейди Татаристон Республикаси муфтийси ўринбосари Рустам Ҳазрат Валиулин.

Шу куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва Татаристон ҳукумати аъзолари иштирокида Шаҳобиддин Маржоний таҳсил олган Мир Араб мадрасасига эсдалик лавҳ ўрнатилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда янги сайёҳлик маҳсулотларини шакллантириш ва зиёрат туризми салоҳиятини ошириш бўйича халқаро тажрибани ривожлантириш масалаларига бағишланган биринчи панель сессия бўлиб ўтди. Унда Ислом динининг тарқалишида Ўзбекистон олимларининг ўрни, мусулмон сайёҳлар учун халқаро рейтинг ва унинг мамлакат имижини оширишга таъсири, мамлакатимизда ҳалол стандартининг ривожланиши каби устувор вазифалар ҳақида хорижлик мутахассислар ўз қарашларини баён этдилар.

Турмаҳсулотлар тақдимоти методологиясини ишлаб чиқиш масалалари бўйича сессияда эса юриспруденция ҳамда ҳалол озиқ-овқатлар технологияси, туризмни тарғиб этишда маданият марказларининг роли хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистонни зиёрат туризмининг марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисидаги Бухоро декларацияси ҳамда Туризм қўмитаси қошидаги "Миллий PR-марказ" ДУК ҳамда "Global Muslim Traveler Index" доирасида "MATTA" (Малазия), "Crescent Rating" (Сингапур) ассоциациялари, Жакарта тарғибот фонди (Индонезия) ўртасида Меморандум имзоланди.

Улкан ўзгаришлар даври келди

СИРДАРЁ ИНДУСТРИАЛ РИВОЖЛАНГАН ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

Очиқ айтиш мумкин, Сирдарё вилоятининг кўпгина туманларида саноат деярли ривожланмаган, фақат аграр соҳагагина эътибор қаратилиши натижасида бу ҳудудларнинг иқтисодий ўсишида барқарорлик таъминланмай келаётганди. Давлатимиз раҳбари жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, йирик лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида яқинда вилоятимизга қилган ташрифи асносида туманларни индустриал ривожланган, ҳар томонлама юксалган ҳудудларга айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

■ **Аваз ХОДЖИЕВ,**
Сирдарё вилояти ҳокиминнинг инновацион ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари.

Бу йил вилоятнинг туман ва шаҳарларида 17 триллион сўмлик 342 та ўрта ва йирик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мақсад қилиб белгиланганлиги, бу борадаги ишлар ҳозирдан бошлаб юборилганлиги Сирдарёнинг иқтисодий потенциали барқарор вилоятлар қаторидан ўрин олишида муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий-маданий соҳаларда ўзгаришларни рўёбга чиқариш йўлида олиб борилаётган кенг қўламдаги яратувчилик ишлари Президентимиз белгилаб берган улкан вазифалар ҳар бир сирдарёликнинг зиммасига катта масъулият юклаётганини англатади. Буни ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, одамлар турмуши, яшаш тарзида бўлаётган ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Президентимизнинг ўтган йили апрель ойида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида белгилаб берган вазифалари ижроси доирасида 2018 йилда вилоятда 1 триллион 224 миллиард 500 миллион сўмлик 167 та лойиҳа амалга оширилиб, жойларда қарийб беш мингта янги иш ўрни яратилди. Иқтисодий самараси юқори бўлган йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши шубҳасиз, вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширади. Чунончи, "Сирдарё" эркин иқтисодий зонасида фаолияти йўлга қўйилган "Сирдарё универсал ойна" масъулияти чекланган жамиятида ўтган йили 50,1 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу корхонада айни пайтда 100 турдаги шиша идишлар тайёрланмоқда. Корхонага Европанинг ривожланган давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар ўрнатилиб, маҳсулот тайёрлашда тўлиқ маҳаллий хомашёдан фойдаланилмоқда. Жорий йилда тўла қувват билан ишга туширилиши режалаштирилган корхонада йилига 102 миллион дона шиша идиш ишлаб чиқарилиб, 2 миллион долларлик маҳсулот экспорти йўлга қўйилади. Бу эса келгусида мамлакатимиз фармацевтика саноатига четдан келтириладиган шиша флаконлар миқдорини кескин камайтиришга хизмат қилади.

Корхона ёнида "Сирдарё гласс" МЧЖ томонидан фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун уч хил рангли шиша идишлар тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2020 йили ишга тушириладиган корхонада йилига 3,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилина бошлайди. "Сирдарё шиша" МЧЖ томонидан эса шиша идишлар учун кварц қумини қайта ишлаш лойиҳаси ўзлаштирилмоқда. Яхлит олганда бу уч корхонанинг бир бирига узвийлиги "Сирдарё универсал ойна" негизида кластер ташкил этиш имконини беради.

"Сирдарё универсал ойна" ва "Сирдарё гласс" корхоналарида ишлатиб бўлинган иссиқлик энергиясидан эса инновацион усулда барпо этилган иссиқхонада сабзавот етиштириш чоралари кўрилаётир. Шунга биноан "Сирдарё универсал ойна" корхонаси ёнида 10 гектарлик иссиқхона барпо қилинади ва беш босқичдан иборат лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан йилига 2,5 минг тонна маҳсулот етиштиришга, 5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришилади.

(Давоми 3-саҳифада)

“Шарбат” усулида суғориш ғалла ривожини икки мартага тезлаштиради

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ расмий сайтида “Invitation page” саҳифаси ташкил қилинади

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2019-yil 23-fevral, shanba 16 (8983)-son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, шунингдек, ташқи сиёсат соҳаларида – мамлакат мудофаа қобилиятини, фуқаролар ўртасида ва динлараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлашга, ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган ислоҳотлар тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

б) фуқаролар дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишларини, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онги ҳолати ва мазмунини белгилаш, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

в) ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳолати ва динамикаси тўғрисида, аҳолининг ижтимоий фикри ҳақида ишончли ахборотни таркатиш;

г) хорижий тадқиқотчилик амалиётида фаол фойдаланиладиган ва замонавий ахборот ёндашувларига таянадиган социологик тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш техникаси ва технологияларини ишлаб чиқиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва уларнинг кенг усулларини қўллаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш методологик асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш.

3. “Ижтимоий фикр” маркази, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг:

“Ижтимоий фикр” маркази томонидан Таъсисчилар кенгаши томонидан ҳар йили маъқулланадиган социологик тадқиқотлар режасига мувофиқ социологик тадқиқотлар ўтказиш тартибини сақлаб қолган ҳолда “Ижтимоий фикр” марказининг раҳбар ва илмий ходимларига бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишлар илмий-техник дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш микдорлари ва шартларини, Марказнинг бошқа ходимларига эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига идоравий мансуб муассасалар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини татбиқ этиш;

“Ижтимоий фикр” марказини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига ҳар йили “Ижтимоий фикр” марказининг буюртманомаларига кўра марказнинг асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни кўзда тутиш тавсия этилсин.

4. “Ижтимоий фикр” маркази томонидан **ўтказилган социологик сўров натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида мунтазам муҳокама қилиш** ва улар бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш амалиётга жорий этилсин.

Белгилансинки, “Ижтимоий фикр” маркази томонидан ўтказилган социологик сўров натижалари оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари, босма нашрлар ва Марказнинг веб-сайтида доимий ёритиб борилиши зарур.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ижтимоий фикр” маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда социологик сўровлар якунларини ёритиш мақсадида “O‘zbekiston 24” телеканалида доимий фаолият юритадиган **“Ижтимоий фикр” («Общественное мнение”)** махсус рукни ташкил этилишини таъминласин.

5. **2019-2020 йилларда “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини ускуналар, техника ва бошқа воситалар билан жиҳозлаш дастури** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Ижтимоий фикр” марказининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра унинг моддий-техник базасини яхшилаш учун зарур бўлган ускуналар, техника ва бошқа воситаларни, шунингдек, ушбу Дастурда келтирилган хорижий илмий ва махсус адабиётларни харид қилишга маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда:

“Ижтимоий фикр” марказини зарур алоқа воситалари, жумладан, ҳукумат алоқаси билан, Интернетга кенг полосали уланишини таъминласин ҳамда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда видео анжуманлар, интернет-форумлар ва телекўприкларни ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин;

“Ижтимоий фикр” марказига телефон ва Интернет тармоғи орқали ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва мамлакатимиз ҳаётининг бошқа йўналишларига доир долзарб жорий масалалар юзасидан **аҳоли ўртасида блиц-сўров ўтказиш учун call-марказини ташкил этишда** амалий ва техник ёрдам кўрсатсин;

“Ижтимоий фикр” марказининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни мониторинг ва таҳлил қилиш мақсадида **“Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси”**, **“Қўнғироқларни қайта ишлаш маркази” (телефон рақамлари 10-00, (0800) 210-00-00) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг** ахборот тизимлари фаолиятига доир статистик ва бошқа ахборотлардан фойдаланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий тадқиқот марказлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда, замонавий усул ва ёндашувлар асосида социологик сўровлар ўтказишни ташкиллаштириш кўникмаларини ошириш мақсадида уларнинг малакали мутахассисларини жалб этишда “Ижтимоий фикр” марказига кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб “Ижтимоий фикр” марказининг буюртманомаларига кўра **республикадаги олий таълим муассасалари талабалари тегишли таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиши учун** мазкур Марказга мунтазам юборилишини таъминласин;

республикадаги тегишли олий таълим муассасалари билан биргаликда икки ой муддатда **2019/2020 ўқув йилидан бошлаб социология ва социологик тадқиқотлар кафедраларини очиш** чоралари кўрилишини таъминласин.

9. “Ижтимоий фикр” маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва “Тараққиёт стратегияси” марказининг **Ўзбекистон социологлари ассоциациясини** ташкил этиш ҳамда қуйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

илмий тадқиқотлар, ижтимоий мезонлар методологиясини такомиллаштириш бўйича ишларда, мамлакатимиз социология ҳамжамиятининг интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятини юксалтиришда иштирок этиш, шу жумладан, ижтимоий тажрибалар ўтказиш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистонда ва хорижда демографик жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишга кўмаклашиш;

социологлар ва бошқа ходимларнинг малакасини ошириш;

олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига социология фанидаги энг янги ютуқларни ва социологик тадқиқотлар ўтказишнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш бўйича улар билан ҳамкорлик қилиш;

халқаро ва хорижий социологлар ассоциациялари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли социологик ишларни, шу жумладан, хорижда ўтказиш мақсадида консорциум ташкил этиш;

Халқаро социологлар ассоциациясига аъзо бўлиш, бутун жаҳон социологик конгресслар ва форумларда иштирок этиш.

10. “Ижтимоий фикр” маркази:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, молия, иқтисодиёт ва саноат, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бюллетенлари ва кундалик маълумотлари тўплами;

хорижий матбуот шарҳлари ва илмий-тадқиқот институтлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтининг ижтимоий-иқтисодий соҳага оид таҳлилий маърузалари мажбурий жўнатиладиган реестрга киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги 2020 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда “Ижтимоий фикр” марказининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Марказ ва ташкил этиладиган Ўзбекистон социологлари ассоциацияси биноларида таъмирлаш-тиклаш ишлари ва уларни техник ўқитиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича лойиҳалар киритилишини белгиланган тартибда назарда тутсин.

12. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Ж.Хаджаев ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимовга – социологик сўровлар натижаларининг оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари ва босма нашрларда мунтазам ёритиб борилиши учун;

вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига – “Ижтимоий фикр” марказига унинг вазифаларини самарали амалга оширишда ҳар томонлама ва тўлиқ кўмаклашиш учун шахсан жавобгар экани кўрсатиб ўтилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги ПФ-1791-сон Фармонининг 2.1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда “Ижтимоий фикр” марказини мазкур Фармонга мувофиқ унинг номи ўзгартирилганини ва уставнинг вазифалари белгилаб олинганини ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказсин;

ташкил этилаётган Ўзбекистон социологлари ассоциациясини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин, устав органларини шакллантиришда унга ҳар томонлама кўмаклашсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 22 февраль

✓Иқтисодиёт

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази очилди. Ушбу марказнинг очилишига бағишлаб ўтказилган тадбирда инвесторлар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар учун

ИЛК “КРЕДИТ СУПЕРМАРКЕТИ” ИШ БОШЛАДИ

■ **Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,**
“Qishloq hayoti” мухбири.

Президентимиз 2018 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрининг туманларига ташрифи чоғида ушбу марказни ташкил этиш вазифасини қўйган эди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Тижорат банкларининг 2019 йилда инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган “йўл харитаси” тасдиқланди. Унда тижорат банкларида Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш марказларини ташкил этиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

Марказнинг асосий вазифаси – маҳаллий тадбиркорлар ва чет эллик инвесторларнинг инвестиция фаолияти ҳамда уларнинг лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашиш ҳисобланади. Бу ерда хизматлар “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатилиб, бизнес режалар, техник иқтисодий асосланишларни ишлаб чиқишда, молиялаштириш механизмларини, манбаларини аниқлашда ёрдам кўрсатади. Чет эллик инвесторларга ҳар томонлама мақбул бўлган лойиҳаларни танлаш ва уларга тўғридан-тўғри инвестицияларини киритишга кўмаклашиш инвестиция марказининг яна бир асосий вазифаси ҳисобланади.

Шунингдек, Марказ тадбиркорлар ҳамда инвесторларга лойиҳа самарадорлигини оширишда юзага келадиган муаммоларни маҳаллий ҳокимликлар, тегишли идоралар билан биргаликда ҳал этишда ҳам ёрдам беради. Лўнда қилиб айтганда, Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази тадбиркорлар ва хорижий инвесторларга “кредит супермаркети” сифатида хизмат қилади.

Бу ерда фаолият бошлаган ходимлар ҳудудларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган лойиҳа ташаббускорларини аниқлаб, уларнинг инвестицион лойиҳаларини хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштиришга кўмаклашади. Бунда ходимларнинг юқори билим ва тажрибага эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларни хорижлик экспертлар кўмагида малакасини ошириб бориш кўзда тутилган.

Келгусида республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам шу каби Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш марказлари ташкил этилади.

Хорижий инвесторларни Ўзбекистонга янада кенгроқ жалб этиш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ расмий сайтида (uzpsb.uz) “Invitation page” саҳифаси ташкил қилинмоқда. Мазкур саҳифа республикамизга қизиқиш билдирган хорижий сармоядорларга тайёр инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқишлари ва танлаб олишлари учун қулайлик яратади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига жами 960 миллион доллар қийматига тенг бўлган 19 турдаги чет эл кредит линиялари таклиф қилинмоқда. Жумладан, Европа Иттифоқи давлатлари, Корея Республикаси, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа давлатлардан технологик ускуна ва махсус техникалар харидини молиялаштириш бўйича кредит линиялари, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш ва чет элдан товар ва хизматлар импортини молиялаштириш мақсадида савдони молиялаштириш йўналишида хорижий кредит линиялари жалб қилинган.

Юртимизда биринчилар қаторида ташкил этилган ушбу Инвестиция маркази мамлакатимиз инвестицион жозибадорлигини ошириб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қўламининг ошишига хизмат қилади.

Ғалла парвариши

унда ғаллакорлар ва мутахассислар ҳамкорлиги ниҳоятда муҳимдир

Қиш фаслининг илиқ келиши, февраль ойида намликнинг кўп бўлаётгани ғалла майдонларида бегона ўт, турли хил кассалликлар, айниқса, зангнинг ҳамда ҳашаротларнинг кўпайиб, ривожланишига қулай шароит яратмоқда. Шу боис, ҳаво ҳарорати 15-18 даража илиқ бўлганида уларга қарши курашишни бошлаш керак.

Қишловдан чиққан ғалла илдиз тизимининг яхши ривожланиши учун гектарига 600-700 метр куб миқдорида оқин чучук сув билан суғориш лозим. Оқин сув билан суғорилган майдонларда ўсимлик учун зарарли бўлган ишқорий намлик 50-60 см. пастга чўкади, ўсимликнинг илдизлари ювилиб, ривожланиши учун зарур бўлган янги илдизлар шаклланади ва берилган озуқани тез ўзлаштиради

Қолоқ, ривожланишдан орқада қолаётган майдонларни “шарбат” усулида суғориш ғалла ривожини икки мартага тезлаштиради. Шу боис, ушбу тадбирни кечиктирмай шу кунларда ўтказиш зарур. Кузги бошоқли дон экинларининг ривожланиш фазаларига қараб қатор чора-тадбирлар амалга оширилади.

Дастлаб ниҳоллар униб чиққан майдонларда хатлов ўтказиш керак. Бунда 1 кв.м. ерда ўртача 400-450 дона ниҳол олинган бўлса, ғалла майдонининг ҳолати яхши ҳисобланади, 300-350 дона ниҳол бўлиши эса ғалла майдонларининг қониқарли эканлигини кўрсатади. Агарда бу кўрсаткич 150-200 донани ташкил этса, бу келгусида ғалла майдонларида кўчат сонининг сийрак бўлишига олиб келади. Бундай майдонларда қўшимча озиқлантириш ва суғориш ҳисобига ниҳолларнинг кучли туплашига шароит яратиш керак бўлади.

Ниҳоллар 3-4 та туплаган майдонларда эса суғориш тармоқлари сифатли қилиб тайёрланади, ариқлар яна бир бор кўздан кечирилиб, хандақлар фекаль ва маҳаллий ўғит билан тўлдирилади. Механик таркиби бўйича енгил тупроқли, қумоқ, тош-шағалли ерлар 550-650 метр куб меъёрида “шарбат” усулида енгил намлатиб суғорилади. Бу ниҳолларнинг туплашини тезлаштириб, ўсимликнинг яхши ривожланиши учун қулай шароит яратади. Шу жумладан, фосфорли ўғитлар етарли берилмасдан экиб юборилган майдонларга, вегетация даврида талаб этиладиган фосфорли минерал ўғитлар ўрнини қоплаш мақсадида 1 гектар майдон ҳисобига камида 10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб, биринчи ва иккинчи сувни “шарбат” усулида амалга ошириш ўта муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Шу кунларда чириган гўнг ва чириндиларни элаб, гектарига 10-15 тонна сочилиши 1 марталик маъданли ўғит билан озиқлантириш ўрнини босади ҳамда ғалла ниҳолларини эрта баҳорги совуқдан сақлайди. Тупроқда эса намликнинг яхши сақланишини таъминлайди.

Туплаш фазасида маҳсулдор поялар, бошоқлар ва ҳар бир бошоқдаги донлар шаклланади. Уларнинг кўп бўлиши шу даврдаги бажарилиши зарур бўлган агротехнологик тадбирларнинг қай даражада бажарилишига, яъни, озуқа ва намликнинг етарли бўлишига боғлиқ. Бу даврда тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олиб, гектарига 600-700 метр куб меъёрда сув берилади.

Туплаш даврида ғалла майдонларига биринчи марта сузпензия билан ишлов бериш яхши самара беради.

Бошоқли дон экинларининг бу фазасида занг касаллигининг дастлабки ўчоқлари пайдо бўлиб, бегона ўтларнинг ривожланиши ҳам бошланади. Шунинг учун шу даврдан бошлаб, дала кузатув ишларини кучайтириш лозим.

Айнан шу даврда занг касаллигининг аломатлари аниқ кўрина бошлайди. Фурсатни бой бермай, зудлик билан профилактик чораларни кўриш лозим.

Эрта баҳорда майсалар ривожи суст бўлган майдонларга 2 марта суспензия сепилиши, ўсимликларнинг эрта баҳорги ривожланиш жараёнини тезлаштиради.

Эритмани тайёрлаш учун 25 кг. карбамид 600 литр сувда эритилиб, 2 гектар майдонга махсус пуркагичлар ёрдамида сепилади. Натижада барг сатҳи қалинлашиб, ўсимликларнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ортади, фотосинтез жараёни яхшиланади. Суспензия сепишда бўғдой майсаларининг ер устки қисмини тўла қоплаганлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки суспензияни ўсимлик барги орқали ўзлаштиради. Суспензияни кундузи соат 16:00 дан 18:00 гача сепиш яхши самара беради.

Озиқлантирилган майдонларни зудлик билан суғориш керак. Суғориш жараёнида қўшимча озиқлантириш мақсадида жамғарилган маҳаллий ўғитларнинг 30-40 фоизининг “шарбат” усулида оқизилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бегона ўтларга қарши кураш олдидан экин майдонларида учрайдиган бегона ўт турлари ва уларнинг ҳолати аниқланиши керак.

Бегона ўтларга қарши курашда уларнинг турига қараб, гербцидларнинг захирасини яратиш ва қўллаш лозим. Шунингдек, бегона ўтлар билан зарарланиш даражасини аниқлаб, уларнинг мақбул меъёрларини тўғри белгилаш ҳам муҳимдир.

Ғалазорлардаги бегона ўтлар тури ва сонига қараб Топик гектарига 0,3-0,4л., Атлантис 0,2-0,3 л., Гранстар 75 фоизли 10-20 г., Биостар 75 фоизли 10-20 г., Далстар 75 фоизли 10-20 г., Экстрим 75 фоизли 10-20 г. каби гербицидлар захирасини яратиш зарур.

Кузги бўғдойда учрайдиган замбуруғли касалликларнинг кучли тарқалиш хавфи сезилганида эса кимёвий препаратлардан гектарига Дуплет ТТ 22.5 фоизли 0.3-0.5 л/га, Титул ДУО 26 фоизли 260 гр/га, Колосаль э.м.к 0,3-0,5 л. меъёрда 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов берилади.

Бу тадбирлар тупроқ-иқлим шароити ва ғалланинг ривожланиш фазаларига қараб 5-10 кун олдин ёки кейин ўтказилиши мумкин.

Об-ҳаво мураккаб айни шароитда ғаллакорлар ва мутахассислар ҳамкорлиги ниҳоятида муҳимдир. Бу ўз навбатда ҳар бир майдоннинг доимий назоратини ташкил этиш, шу мақсадда вилоят ва туманларда ғалла майсаларининг ҳолатини ўрганиб, амалий ёрдам берувчи гуруҳлар тузишни тақозо этади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф. доктори, РФА академиги.

Янгиликлар

Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида икки йил давомида олиб борилган изланишлар давомида иккита газ ва битта нефть кони топилган эди.

Янги табиий газ кони топилди

Kun.uz мухбирининг хабар беришича, шу кунларда Учтепа қишлоғида яна бир табиий газ кони топилган.

“Қўқон пармалаш ишлари” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан “Юра-1” деб номланувчи қудуқда ўтган йилнинг июль ойидан бошлаб нефть ва газ конларини излаш мақсадида геология-қидирув қазиш ва пармалаш ишлари олиб борилаётган эди. Шу йил бошида улар томонидан 1150 метр чуқурликда табиий газ кони аниқланган.

Мутахассислар берган маълумотга кўра, мазкур кондан чиқаётган газ миқдори кунига 100 атмосфера босими остида 205 минг куб.метрни ташкил этади.

Ўзбекистон Қозоғистонга кийим-кечак импорт қилиш бўйича биринчи ўринни эгаллади, дея хабар берди LS.

Ўзбекистон Хитойни ортда қолдирди

Унда айтилишича, ўтган йили Қозоғистон 512,3 миллион долларлик 34,5 минг тонна кийим-кечак импорт қилган. Унинг энг катта қисми эса Ўзбекистонга тегишли. 2017 йили бу борада Хитой етакчига айланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Самарқанд вилояти

Жомбой туманидаги “JV MAN Авто Ўзбекистон” қўшма корхонасида Жомбой, Тайлоқ, Булунғур ва Пайариқ туманларида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятга хорижий инвестицияларнинг кириб келишига, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга ва хизмат кўрсатишга масъул мутассадилар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул сектор раҳбарлари, туманлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, тижорат банклари мутасаддилари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Лойиҳалар ТАҚДИМОТИ

Нуриддин БОЛИЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Дастлаб, Жомбой тумани ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул биринчи сектор раҳбари, Жомбой тумани ҳокими Умид Назаров амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳаларни таништириб ўтди. Тадбирда тумандаги 4 та сектор раҳбари ва тадбиркорлар томонидан 9 та лойиҳа тақдимоти ўтказилди.

Тайлоқ тумани ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул сектор раҳбарлари ва тадбиркорлар томонидан ўтказилган лойиҳалар тақдимотида янги ишлаб чиқариш ва экотуризмни йўлга қўйишга мўлжалланган ишлар намойиш этилди. Булунғур, Оқдарё, Пайариқ туманлари сектор раҳбарлари ҳам ўзларининг хорижий ҳамкорлар иштирокида амалга оширишни режа қилган истиқболли лойиҳаларини тақдим этишди. Булунғурлик тадбиркорлар ва сектор раҳбарлари 2019-2020 йилларда жами 8 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритишни режалаштирмоқда. Бунинг натижасида, барпо этиладиган 4 та саноат, 13 та хизмат кўрсатиш ва 11 та қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш корхоналарида 500 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳалар тақдимоти доирасида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал қилиш, тижорат банклари томонидан зарур кредит маблағларини ажратиш, тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга ҳар томонлама амалий кўмак берилиши, лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан мутасаддиларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берди.

Бу каби тақдимотлар Каттақўрғон туманида ҳам ўтказилиб, унда Каттақўрғон шаҳар, Нарпай, Пахтачи ва Иштихон туманларидан ташриф буюрган тадбиркорлар ўз лойиҳалари билан иштирок этишди.

Эҳтиром

Тўқсондан ошиб, юзга юз тутган, қиличдек қомати-ю, кўзларидан нур ёғилиб турган, истараси иссиқ, фариштали бу одам билан суҳбатлашсангиз, ўзга оламга тушиб қолгандай бўласиз. Давридан ўзган, илмий захираси ҳали вери тугамайдиган, паҳлавон йигитлардек билаклари кучга тўла, отахонда. Яна шубҳасиз, ўттиз, йўқ қирқ йил илм қилишга ғайрат, истаклари бор.

Шижоат олға етаклайди



Самонинг чек-чегараси бўлмаганидек, хоҳиш-истакка ҳам монелик қилолмайсиз.

– Фаттоҳ ака толиқиб, чарчаб қолмаяпсизми?, – дейман унга яқинроқ бориб.

– Лаборатория уйим, шогирдлар қанотларим, ишласам зерикмайман, – дейди мўъжазгина қурилмада қайнаётган яшил рангли суюқликдан кўз узмай. Унга ҳавас билан қараб, умр дафтарининг ёркин саҳифаларини варақлайман.

Қалби орзуларга тўла Фаттоҳ 1949 йили Тошкент Фармацевтика институтини тугатиб, Фанлар Академияси кимё институтининг алкалоидлар кимёси лабораторияси аспирантурасига ўқишга кирди. 1955 йили “Винка эректа” ўсимлигининг алкалоидлари мавзусида номзодлик, 1965 йили “Винка туркумидаги алкалоидларни тадқиқ қилиш” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, 1968 йили “профессор” илмий унвонини олди. Салкам йигирма йилда машаққатли меҳнати натижасида таниқли олим бўлиб етишди.

Ўрганилаётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш натижасида, ажратиб олинган алкалоидларнинг бир-бирига ўтиши кимёвий реакция механизмини аниқлашга имкон берди. Алкалоидларни фармакологик текшириш натижасида, улардан 4 таси қимматли дори экани аниқланди ва тиббиёт амалиётига татбиқ этилди.

Шулардан винканин марказий асаб тизимини қўзғатувчи, винкаметрин бачадонга ижобий таъсир қилиб, туғиш жараёнини муқобиллаштирса, эрвинин нафас олишни кучайтирувчи ва беморларни наркоз таъсиридан чиқарувчи ҳамда метвин-хирургия амалиётида қон босими пасайганда уни меъёрига келтириш хусусиятига эга.

Олимларимиз томонидан фанда биринчи марта индол алкалоидлари ядросининг парчаланиш реакцияси аниқланди. Кашфиёт муаллифлари қаторида Фаттоҳ Йўлдошев олтин медалга, янги препаратларни амалиётда қўллаганлари учун эса Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

1965 йили академик С.Ю.Юнусов ташаббуси билан “Ўсимлик оқсиллари кимёси” лабораторияси ташкил этилиб, уни бошқариш Фаттоҳ Йўлдошевга топширилди.

Энди Фаттоҳ Йўлдошев янги қўриқ ерларни ўзлаштиришдек, фандаги ўрганилмаган соҳаларни тадқиқ этишга киришди.

Ғўза чигити оқсилларининг структураси ва функцияларини ўрганди. Чигит таркибидаги оқсиллар асосан глобулин компонентларидан ташкил топган. Озуқа оқсили учун зарур манба ҳисобланади.

Олим раҳбарлигида иккита янги оқсил ва битта ферментнинг бирламчи структураси фанга маълум қилинди. Бу ишлар ўз вақтида чет эл олимлари томонидан эътироф этилди.

Лабораторияда ғўза оқсиллари аниқланиб, Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти билан ҳамкорликда “Ғўза селекцияси ва генетикасида ишлатиш учун маркер оқсилларни аниқлаш услубий қўлланмаси” яратилди. У 1989 йилда Собиқ Иттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими томонидан эътироф этилди. Ўрта Осиё канакунжутидан рицин номли ўта заҳарли оқсил олиниб, унинг структураси ўрганилди ва бу илмий ишлар Штильмарк номидаги бронза медалига сазовор бўлди.

Чуқур фундаментал тадқиқотлар билан бирга пахтани қайта ишлаш заводлари чиқиндиси – кунжара асосида озуқа оқсили олишнинг услублари ишлаб чиқилди. Олимнинг яна бир илмий йўналиши қовун дарахтидан кукумазим ажратиб олиб, уни амалиётга татбиқ этишдир. Кукумазим ферментлар йиғиндиси бўлиб, жарроҳлик, офтальмология, гинекология, травмоталогия ва тиббиётнинг бошқа соҳаларида кенг қўлланилади.

Улуғ ёшларга борган одам ёшликдаги касб-корини, қадрдонларини қўмсаб қоларкан. Шу кунларда олим илк қадрдон, етмиш йил аввал бошлаган илмий изланишларига қайтмоқда. Индол алкалоидларнинг кимёвий тузилиши, структурасини ўрганиш, модификациясини амалга оширишни давом эттирмоқда.

Шогирдлари Мадина Мирзаева, Шаҳобиддин Адизов, Ботир Абдуазимов ҳамда технологлар, фармакологлар, онкологлар билан ҳамкорликда саратонга қарши таъсирчан дорилар яратиш устида изланмоқда.

Олим ўз илмий ишлари билан кўплаб илмий анжуманларда иштирок этган. Жумладан, Братислава (1968), Деҳли (1970), Ленинград (1971), Вильнюс (1994), Карачи (1994) шаҳарларидаги симпозиумларда ўқиган маърузалари юксак баҳоланган. Унинг раҳбарлигида иккта фан доктори, 16 та фан номзоди тайёрланган, 330 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган. Домла 15 та муаллифлик гувоҳномаси ва 5 та патент соҳибидир.

Ҳикоямиз ниҳоясида яқинда табаррук ёшли отахон номига келган бир мактубни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

“Қадрли Фаттоҳ Хўжаевич!

Халқаро “Илмий ҳамкорлик” хайрия Фонди Бошқаруви Раёсати қарори билан сиз фонднинг нуфузли мукофоти, “Ҳурмат белгиси” нишони ва дипломи билан тақдирландингиз. Узоқ йиллар самарали изланишларингиз, кимё соҳасида эришган юксак илмий натижаларингиз дунё олимлари эътирофига сазовор бўлди. Сиз ўз севган соҳангизнинг Ўзбекистондаги энг билимдон вакилларидан эканлигингизни кўрсатдингиз.

Чуқур эҳтиром билан: Россия Тиббий Фанлар Академияси академиги В.Г.Карцев. 20 ноябрь. Москва шаҳри.”

Тилагимиз – аср билан тенглашаётган муҳтарам устоз келгусида бундай ҳаққоний эътирофлардан яна кўпига сазовор бўлиб юрсинлар.

Ҳикмат МАХСУМОВ,
меҳнат фахрийси.

Навоий вилояти

Айни пайтда Зарафшон шаҳридаги умумтаълим мактабларида “Электрон журнал” дастурини жорий этиш жараёни бошлаб юборилди.

Таълимда инновацион ёндашув

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Бугунги кунда Зарафшон шаҳрида 12 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларнинг 2 таси Мурунтов ва 1 таси Довғизтов қўрғонларида жойлашган.

Шаҳарда ўқувчиларга замонавий таълим бериш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш бўйича янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Хусусан, Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 2-сонли умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Камола Тўхсанова ва компьютер дастурчиси Мироншоҳ Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги интеллектуал мулк агентлигидан “Ота-она ва мактабни узвий боғлаб турадиган “Электрон журнал” дастурини рўйхатдан ўтказгани ҳам бу борадаги дадил қадамларнинг бир кўринишидир.

Мазкур дастур орқали ўқувчининг фанларни ўзлаштириш жараёни, хулқи ва ўқув жараёнларидаги иштироки ота-она қўл телефонига электрон хабар орқали билдириб борилади.

Ҳозирда шаҳар ҳокимлиги кўмаги билан барча умумтаълим мактаблари янги компьютер жамланмалари билан таъминланиб, интернет тармоғига уланмоқда.

– Дастурнинг ишга туширилиши таълим муассасаларимизда ўқувчиларнинг давоматини назорат қилишда ота-оналарнинг ҳам мажбуриятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, ўқувчи ва ота-она ўртасида дўстона мулоқотни шакллантиради, – дейди Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлими мудири Зоя Бахранова.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилса, Зарафшон шаҳридаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 14 мингдан ортиқ ўқувчининг ота-оналари ҳамда таълим муассасалари ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Улкан ўзгаришлар даври келди

(Боши 1-саҳифада)

“Сирдарё гласс” корхонасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва консервалашнинг йўлга қўйилиши ҳисобига 140 та янги иш ўрни яратилади.

Сирдарё иссиқлик электр станцияси, Фарҳод гидроэлектр станциясини модернизациялаш ва Сардоба сув омборида кичик гидроэлектр станциясини қуришга 275 миллион долларлик сармоя сарфланади ҳамда шу йилнинг ўзидаёқ бу учта лойиҳани амалга оширишга киришилади.

Янгиер шаҳри ҳудудида “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан “Samsung Engineering” компанияси билан ҳамкорликда бунёд этиладиган аммиак ва карбамид заводининг қурилиши йилига 400 минг тонна аммиак, 600 минг тонна карбамид ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

Лойиҳа қиймати 600 миллион долларлик мазкур корхонада 500 та янги иш ўрни очилади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Хитой, Италия ва Қозоғистон давлатларидаги элчилари иштирокида вилоятга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт ҳажмини ошириш бўйича тақдим этган истиқоболли лойиҳалари бўйича вилоятнинг турли ҳудудларида замонавий ишлаб чиқариш ва сервис хизмати кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсата бошлайди. “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти томонидан 4 минг 200 дан ошиқ иш ўрни яратилиши имконини берадиган 32 та тикувчилик мажмуаси вилоятимизнинг турли ҳудудларини қамраб олади.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, узумчилик ва уруғчиликни ривожлантириш ҳам кундалик ишимизнинг муҳим жиҳатлари этиб белгиланган. Ховос туманида олтиариқлик миришкорлар томонидан 1000 гектар майдонда узумзорлар, Боёвут туманида 3000 гектар ерда янги анорзорлар барпо қилинаётгани, шўрхок ҳудудларда тежамкор технологияларга асосланган гидропоника иссиқхоналарининг қурилиб, асосий маҳсулотларнинг экспортга йўналтирилаётгани ҳам ерлардан самарали фойдаланиш катта мақсад этиб белгиланганини англатади.

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий ходимларига янги уй-жойлар топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, ҳудудий ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари М.Ерниязов янги уй соҳиби бўлган оилаларни самимий қутлади.

Ҳарбийларга янги уй-жойлар

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Таъкидланганидек, бунёдкорликларга бой бугунги ҳар бир кун халқимизнинг кундалик ҳаётида кўплаб ўзгаришлар ва янгиланишлар олиб келяпти. Жамоат хавфсизлигини сақлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, аҳолини турли хавф-хатарлар ва ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлида хизмат қилаётган Миллий гвардиянинг ҳарбий ходимларига янги уйларнинг топширилиши бунинг яққол исботидир.

Умумий нархи 4 миллиард 389 миллион сўм бўлган, ҳар бири учта хонадан иборат ушбу квартираларда барча шарт-шароитлар мавжуд. Аҳамиятлиси, мазкур квартираларнинг бошланғич бадали Миллий гвардия томонидан тўлаб берилиб, қолгани хонадон эгалари томонидан 15 йил мобайнида банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан амалга оширилади.

Тадбирда янги уйларнинг калитлари ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Эълонлар

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ

такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!



“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 18 февралдаги 275-сонли буюртманомасига асосан, қуйидаги мулклар чиқарилган:

Навоий вилояти, Конимех туманида жойлашган “Қизилқум деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 4348,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 1450,0 кв.метр, 7 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси – 1 521 953 000 сўм**.

Жиззах вилояти, Ш.Рашидов туманида жойлашган “Учтепа деҳқон бозори” 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 6498 кв.метр, қурилиш ости майдони 924,13 кв.метр, 4 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси – 2 092 212 000 сўм.**

3. Андижон вилояти Асака туманида жойлашган “Асака деҳқон бозори” 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 3666,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2846,8 кв.метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси – 7 275 354 000 сўм.**

4. Қорақалпоғистон Республикаси Элликқальа тумани “Элликқальа деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 16700,0 кв.метр, қурилиш майдони 2497,36 кв.метр, 3 та корпусдан иборат. **Бошланғич баҳоси – 3 617 020 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2019 йил 5 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани Қорақамиш-1 кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулклар **2019 йил 5 март** куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари **2019 йил 11,18 март** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи томонидан Абдуллаев Акмал Исматуллаевичга 2005 й.да берилган К № 280055 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент ш. 141-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2000-2001-ўқув й.да 11 чи синфни битирган Исраилов Зафар Ғафурджановичга берилган OR-A 1149082 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент ш. Юнусобод т.да рўйхатга олинган СТИР рақами 302839052 “PROFIT BROK SERVICE” МЧЖ Тошкент вил. Қибрай т.да рўйхатга олинган СТИР рақами 303073445 “TRIMIR ALLIANCE” МЧЖ таркибига тўлиқ бирлаштирилишини маълум қилади. Маълумот учун тел.: (99) 825-10-51.

Наманган вил. Янгиқўрғон т. “YAGONA DARCHA MARKAZI” томонидан рўйхатга олинган Якка тартибдаги тадбиркор “YUNUSOV SHAMSHIDIN SAYFUTDINOVICH”га тегишли бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Шайхонтоҳур т. “DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI” томонидан рўйхатга олинган “FUZAYL FAYZ” ХКга тегишли бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Олмазор (собиқ Собир Раҳимов) т. ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган “KARATE” МЧЖга тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Тошкент вил. Зангиота т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган ЯТТ “KURGANBAEV BILOLIDDIN FAZLIDDINOVICH”га тегишли бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Янгийўл т. Эски Қовунчи ҚФЙ. У.Юсупов кўч. 50-уйда яшовчи фуқаро Абдухўжаева Муқаддас Исмоиловна фуқаролик паспортини йўқотган. Ушбу фуқаролик паспорти топиб олинганида (98) 302-96-11 тел. рақамига қўнғироқ қилиш сўралади.

Тошкент ш. Юнусобод т. 16 даҳа 7-уй 3-хонадонга Асомова Мамлакат Фатхуллаевна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

2013 й. 14 март куни 7117-11 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “CERT ACADEMY GROUP” (СТИР 207176672) нодавлат таълим муассасаси “CERT ACADEMY GROUP” МЧЖга айланиш йўли билан қайта ташкил этилишини маълум қилади. Барча масалалар бўйича муассис манзилига мурожаат этиш мумкин.

МЧЖ шаклидаги “REMEDY GROUP” ҚКни тугатмасдан, тақсимлаш балансига асосан унинг ҳуқуқлари ва бурчларини бир қисмини олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддаси талаблари асосида “NEW FARMA PLUS” МЧЖни ажратиб (ажралиб) чиқилмоқда. Шунинг ҳисобига “REMEDY GROUP” МЧЖ ҚКнинг устав фонди 2 556 487 589,96 сўм миқдоридан 2 544 487 589,96 сўм миқдоригача камайтирилмоқда. Мурожаатлар учун тел.: (71) 228-18-10.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирликнинг Сабзавотчилик, картошкачилик ва полиз экинлари бошқармаси бошлиғи Зафар Артиқовга волидаи муҳтарамаси
Мукар аянинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Зардўштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да ер, тупроқ, дарёлар, қўллар боғлар, тоғлар, ўсимлигу гиёҳлар мадҳ этилган. Она заминни улуғлаш, сувни ҳаёт манбаи деб қадрлаш, қуёш, олов ва ҳавони эъзозлаш "Авесто"даги асосий масалалардан.

Экологик маданият – инсоният келажаги гарови

Зардўштийлик таълимотига кўра, ҳар бир кишининг руҳан ва ҳулқан комиллиги унинг яхшиликка юз тутиб, рост йўлни танлаб, дунёвий билимларни ўрганиб, ўз касбини эъзозлаган ҳолда Ахурамазда фарзларини нечоғлик адо этиши билан белгиланади. Зеро, қўш ҳайдаб, дон эккан, чорвани парваришлаб, чўлда боғ яратган, ернинг захини қочириб, шўрини ювиб, зироат эккан зардўштийнинг равони пок, хулқи хуш, амали чин бўлиши билан кўрсатилган. Зардўштийлик таълимоти бўйича сув ва ҳавони ифлос қилиш, сувга нопок нарсаларни ташлаш қатъиян ман этилган. Анҳор ва ариқ бўйларида мол боқиш, отларни боғлашга рухсат берилмаган.

Сайёрамизда экологик муаммолар кўлами кенгайиб, у ёки бу минтақадаги экологик хавф-хатарлар тобора глобаллашиб бораётганлиги бутун дунёда аҳолининг экологик билими ва саводхонлигини оширишни давр талабига айлантирди.

Инсониятнинг кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва сайёрамизда камайиб кетаётган имкониятлари ўртасидаги мувозанатни ушлаб туриш, табиатни муҳофаза қилиш учун ҳар биримиз экологик билимларга эга бўлмоғимиз зарур. Экологик таълим ва билим табиат муҳофазасидаги муаммоларнинг ечими сифатида халқаро миқиёсда тан олинди. Бизнинг давлатимизда ҳам экологик тарбия ва таълим умумтаълим муассасаларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Сайёрамиз келажаги ўсиб келаётган авлоднинг экологик маданиятига ҳам боғлиқ. Глобал экологик муаммоларни давлатлараро ва дунё миқёсида биргаликда ечиш мумкин, аммо яшаб турган жойининг экологиясини яхшилаш ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Экологик маданиятни одамлар онгига сингдириш келажак авлоднинг соғлигини сақлаш гаровидир.

Н.ИСЛОМОВА,
Ўзбекистон Давлат табиат музейи илмий экология бўлими катта илмий ходими.

Қишлоқ манзаралари

Сўхнинг ҳавоси даво, деб ёзади бир шоиримиз, нафас олсанг, ўпканг кенгаяди, бор вужудинг роҳатланади. Қадимий Сўхнинг мўътадил ҳавоси, сўлим иқлими кўплаб саёҳатномалар, "Ҳудуд ул-олам" каби тарихий асарларда ҳам зикр этилган. Тақдир амри ила Сўх ва Ҳушёр кўҳпояларига келиб, бир йил истиқомат қилган улуғ бобоколонимиз Бобур "Бобурнома"да Сўх манзараларини алоҳида меҳр билан тасвирлаган.

Воҳа истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари самараси ўлароқ ўзгача файз топди. Янги боғ-роғлар, сўлим хиёбонлар барпо этилди.

Сўх муборак қадамжойларга бой маскан бўлгани учун ҳам водийда машҳур. Бурҳониддин Рошидоний, Аҳмад ал-Фарғоний, Сайф Фарғонийлар қишлоғидаги Ҳазрат Али зиёратгоҳи чет элдан келган меҳмонларни ҳам ўзига тортади. Зиёратгоҳ ўқитувчи ва тадбиркор (марҳум) Баҳриддин Шодиевнинг ташаббуси билан бутунлай бошқача кўриниш касб этиб, гулларга бурканган ажиб дам олиш масканига айланди.

Ҳазрат Али бағрида бир булоқ бор. Нуротадаги машҳур чашмадай сирларга тўла. Сувидан ичган одам ўзгача ҳаловат ва таскин топади.

Булоқ турли рангда товланаётган балиқчаларга тўла. Улар сувдан тепага сакрайди, ҳар хил ўйинлар ўйнаб, шўнғиб кетади. "Олтин балиқчалар!" – қичқиргинг келади беихтиёр.

Самарқанд ўз нони билан машҳурлигини биламиз. Зилол ва хуштаъм суви билан эса – Сўх воҳаси. Оқар сой ва анҳорлар талайгина. Ҳар соҳил – бетакрор гўша. Бир неча булоқча бирлашиб, Ровон ва Янгиариқ ариқларига бориб қўшилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 3-3,5 минг метр чуқурликдан чиқадиган сув таркибида инсон саломатлиги учун муҳим бўлган магний, кальций ва хлорли натрий каби кўплаб элементлар мавжуд. "Сўх Чашма" хусусий фирмаси дунё стандартларига мос маҳсулот чиқармоқда. "Сўх Чашма" ўзининг чанқовбосди хусусияти билан бирга шифолилиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Тоғларга талпиниб, юксакликдан мўъжиза қидирган аҳоли Тўл қишлоғидан 2-3 километр узоқроқда жойлашган Сурати адирларини сир-саноатга тўла, деб билади. Суратида қора мармарга ўхшаш улкан харсангтош мавжуд. Яқин борсангиз, ўз аксингизни кўрасиз. Шунинг учун ҳам оти – Тош Ойна. Шу ойна бир замонлар "Бобурнома" муаллифининг ҳам эътиборини жалб этган. "Узунлиги 10 кари (7 метрга тенг), баландлиги бир одам бўйига баробар Тош Ойнада ҳамма нарса акс этиб туради", дея мўъжизавий тошнинг шакл ва сувратини чизиб беради Мирзо Бобур.

Муғтепа баландлигида муғлар яшар эди. Ривоят қилишларича, баҳор кунларининг бирида қирқ канизаги билан қалъадан чиқиб, адирлик сари сайрга чиққан шоҳ қизи тўсатдан ёв ҳужумига дуч келиб, Сурати тоғи томон қочади. Худодан нажот сўраётиб, шоҳ қизи қўлидаги ойнани харсангтошга уради. Гумбурлаган садо чиқариб, тоғ ёрилади ва унинг ичидан қизлар паноҳ топадилар. Чилпарчин ойна эса улкан Тош Ойнага айланган эди. Душман аскарлари Худонинг амри билан ойнада даҳшатли тасвирни кўриб қочиб кетишади.

Тош Ойна зарурат туғилганда шубҳали ва гумондор шахсларнинг суратини ҳам акс эттирган, деган нақллар мавжуд. Ўғри ва босқинчиларнинг қиёфасини аниқлаб, қўлга тушириш, жазолаш учун Қўқон хонлари гўё шу сирли ойнадан фойдаланишган. Аламзада тўда эса маслаҳатлашиб, Тош Ойнани портлатиш, ёқиб юбориш пойига тушади. Натижада шаффоф ойна қора мармар тусини олади...

Ҳақиқий дам олиш масканларига айланган бу гўшаларга яхши ният билан келиш, мусаффо булоқларнинг сувидан ичиб, маънан покланиш эзгу ишларни амалга ошириб, яхши ном қолдириш истагини қалбда тугишга ундайди.

Муҳаммад ШОДИЙ,
журналист.

Реклама

амкодор САЛЕО АМКОДОР - СЕМАШ

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар | МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар | занжирли ва ғилдиракли экскаваторлар | санчқили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар | гидравлика

Маҳсулотлар сертификатланган.

Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-82. Тел.: 71-283-42-17.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: sales@amkodor.uz, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Бугун Даврон Замоновичнинг кайфияти ҳар кунгидан бошқача. Негаки, кеча эфирга кетган видеофильм "катта"та манзур бўлибди. Ахир, у кишининг шахсан ўзлари қўнғироқ қилди-я. Нима деди? "Бунақа бадиий нарсаларни яна кўпайтиринглар!", дедими? Шахсан ўзлари катта бошларини кичкина қилиб менга қўнғироқ қилдилар-а? Ҳозироқ йиғилиш қилиб, ходимларга бу хушхабарни етказиш керак...

АМАЛЛАБ ТУРИНГ... (Ҳажвия)

– Ҳурматли ҳамкасблар, – дея гап бошлади у. – Бугун шахсан "катта"нинг ўзи (шу ерда Даврон Замонович иягини ғалати кўтариб тепага ишора қилди) қўнғироқ қилиб, кечаги видеофильм ҳақида илиқ гаплар айтди. Шунинг учун Тўхлибой ака, сиздан илтимос, раҳбаримизнинг яна шундай қўнғироқ қилишилари учун, айтайлик, 15 кун ичида битта-иккита шундай яхши видеофильм яратасиз энди. Сарф-харажатлардан ўйланманг, пулини юқоридагилардан ундирамиз... Энди шоирлигингиз тутиб, пешонангизни тириштирмай туринг. Мана мен, бу ерга келгунча узоқ йил қишлоқ хўжалигида ишлаганман. Биласизми, бошлиқларнинг сўзини бирон марта икки қилмаганман, кўриб турибсиз, ундим, ўсдим.

Хуллас, йиғилиш яхши ўтди.

Йиғилишдан сўнг хонаси томон кетаётган Тўхлибой аканинг "Бу вақтда жўяли бир кўрсатув ҳам тайёрлаб бўлмайди-ю", дея ғудранганини кўпчилик эшитди. У бутун ижоди давомида бирор марта "заказ" нарса ёзмаган эди.

Бир ҳафтадан буён тинимсиз изланишда бўлган Тўхлибой Қўчқор ҳар қанча уринмасин, бирор жўяли нарса ёза олмади. Бугун душанба. "Каттакон" учун яратилажак видеофильмнинг "в" ҳарфи ҳам йўқ. Йиғилишда Даврон Замонович ундан яна шу мавзуни сўради:

– Ценарий тайёрми?

– Бўлаяп-т-ти, – дудуқланиб жавоб берди Тўхлибой Қўчқор.

– Тайёр бўлса, театрдан артистларни чақиринг, тез¬тез тайёрлаш керак.

Йиғилишдан сўнг ҳаммадан орқада қолган Тўхлибой Қўчқор қисқа вақтда 25-30 дақиқалик фильм тайёрлаш мумкин эмаслигини тушунтирмоқчи бўлди. Аммо, эплай олмади. Лекин, у мавзуни бошлиқнинг нозик томонидан бошлади:

– Даврон Замонович, артистлар учун рассом, декорация деганидек сарф-харажатлар...

Тўхлибой Қўчқор ўз фикрини охиригача етказмасдан бошлиқ жавоб берди:

– Энди Тўхлибой ака, амаллаб туринг, ҳар ким ҳам "Каттакон"нинг назарига тушавермайди. Ҳали машҳур бўлиб кетасиз. Ўшанда бу харажатлар ўз-ўзидан қопланиб кетади.

– Ахир...

Тўхлибой аканинг гапи оғзида қолди.

– Шошиброқ турувдим, йиғилишга боришим керак.

Кошки эди, бошлиқнинг одатини билмаса. Харажатлардан гапирсангиз бўлди. "Амаллаб туринг"дан нарига ўтмайди. "Каттакон"га ёққан фильм учун жамғариб қўйган маблағининг анчагинасини совуриб бўлди. Хотинга ҳали бу бир неча баробар бўлиб қайтишини айтганди. Ҳар куни уйда бу гап бир кўтарилмаса бўлмайди. Хотининг машмашасини эшитмаслик учун уйга ярим кечаси боришга тўғри келмоқда.Ўшанда ҳам "Амаллаб туринг", деган эди. Бугун ҳам ўша гап.

... Мана, бошлиқ берган муддат ҳам тугади.

– Хўш, Тўхлибой ака, нима бўлди?

– Энди... бўлмади.

– Нега бўлмайди?

– Даврон Замонович? Бадиий нарсани мажбурлаб ёзиб бўлмайди. Энди илҳом қурғур ҳам керак-да.

Бошлиқнинг ранги ўзгарди. Ҳурпайган хўроздай Тўхлибой аканинг олдига бостириб борди.

– Илҳомингиз нимаси? Ахир, ишонамизда бирмас, бир нечта Илҳом бўлса? Биттасини чақирсангиз бўлмайдими?..

Тўхлибой Қўчқор Илҳомлардан бирини раиснинг буйруғи, дея чақириб олди. Иккаласи илҳом париларини чақириш учун ошхонага боришди...

Эрталаб "бошоғриқ"дан карахт хотинига кўринмай секингина чиқиб кетмоқчи бўлди-ю, иложини қилолмади. Ҳар кунги "машмаша" бошланди. Гап тугул булбулнинг навосиям ёқмай турган Тўхлибой Қўчқор беихтиёр Даврон Замоновичнинг сўзларини такрорлади:

– Бир амаллаб тур, хотин. Бир амаллаб тур...

Муқим тоға

TRAKTORBOR.UZ

PLANETA SERVIS

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Бухоро вилояти

Ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинди

Мамлакатимизда ёнғинларнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар доирасида семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва ёнғин тактик ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ҳам худди шундай ўқув семинари ташкил этилди. Унда заводнинг таъмирлаш механика цехи жамоаси Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ ходимларидан мамлакатимизнинг ёнғин хавфсизлигига доир қонунчилиги, ёнғин чиқишининг олдини олишга оид кўплаб фойдали маълумотларни олди.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларида ўтказилаётган ушбу тадбирларда ёнғинларнинг сабаб ва оқибатлари пухта ўрганилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда юз берган ёнғинлар таҳлил қилиниб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари кўп ҳолларда ўт балосига фуқароларимизнинг лоқайдлиги сабаб бўлаётгани таъкидлаб ўтилди.

Семинарда завод хавфли ишлаб чиқариш объекти бўлганлиги сабабли, жиҳозлардан хавфсиз фойдаланишга доир қатор тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Маърузадан сўнг амалий машғулотлар ўтказилиб, йиғилганларга ёнғин содир бўлганда уни ўчириш бўйича биринчи ҳаракатлар ўргатилди, бирламчи ёнғин ўчиргичлардан фойдаланиш бўйича қатор маслаҳатлар берилди.

Ёнғинлар профилактикаси доирасида амалга оширилаётган бундай тадбирлар ишчиларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш, ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган ёки уларни бартараф этишга халақит берадиган кўплаб қоидабузарликларни аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади.

Ёқуб ТОШЕВ

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон	–	(+99893) 630-73-03;
Бухоро	–	(+99891) 401-29-59;
Жиззах	–	(+99893) 940-10-78;
Навоий	–	(+99891) 332-50-99;
Наманган	–	(+99893) 948-53-86;
Фарғона	–	(+99890) 407-76-03;
Самарқанд	–	(+99897) 575-50-67;
Сирдарё	–	(+99894) 168-23-60;
Сурхондарё	–	(+99890) 520-20-05;
Тошкент	–	(+99890) 976-39-58;
Хоразм	–	(+99897) 790-47-61;
Қашқадарё	–	(+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-225, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

7545 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.45

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 123456